Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 20 ноябрь, № 245 (9416) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Вице-президенти Жавдат Йилмаз бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, хусусан, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, ахборот технологиялари, туризм, транспорт ва энергетика соҳаларидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар юқори суръатда ривожланиб, ўзаро савдо ҳажми ва қўшма корхоналар сони изчил ортиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Айниқса, Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгаш таъсис этилгани ва Тошкентда унинг илк йиғилиши доирасида янги салмоқли инвестиция лойиҳалари ва савдо келишувларига эришилгани, 200 дан ортиқ етакчи компаниялар ҳамда ишбилармонлар иштирокида бизнес форуми ўтказилгани юқори баҳоланди.

Учрашувда эришилган келишувларни тўлиқ амалга ошириш ҳамда бўлажак муҳим тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 ноябрь куни Ўзбекистон — Туркия бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашнинг биринчи йиғилишида иштирок этди.

Пойтахтимиздаги Халқаро конгресс марказида ўтказилган тадбирда Туркия Республикаси Вице-президенти Жавдат Йилмаз, шунингдек, икки мамлакатнинг етакчи компаниялари ва банклари раҳбарлари қатнашди.

Бугунги глобал иқтисодий ўзгаришлар шароитида қардош Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги стратегик шериклик янги, янада амалий босқичга кўтарилмоқда. Сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси, муштарак тарихий ва маънавий ришталарга таянган очиқ ҳамда ишончли мулоқоти туфайли ўзаро муносабатлар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқилди. Натижада савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалар мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан эришилган келишув асосида ташкил этилган ушбу янги механизм икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Кенгашнинг биринчи йиғилиши доирасида ўтказилган бизнес форумида 200 дан зиёд тадбиркорларнинг фаол иштирок этгани ўзаро шерикликни кенгайтиришга бўлган юксак қизиқишдан далолат бериши қайд этилди.

— Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида 2017 йилдан буён иқтисодиётимиз уч баробарга ўсди, 150 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестициялар жалб этилди. Ушбу жараёнда бизга доим елкадош бўлиб келаётган стратегик шеригимиз — Туркия билан ҳамкорлик муҳим ўрин тутади, — деди Президентимиз.

Давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада жадаллаштириш мақсадида қатор устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Хусусан, тоғ-кон саноати ва “яшил” энергетикани ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, органик ўғитлар ишлаб чиқариш, замонавий иссиқхоналар қуриш ва сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, шунингдек, маҳсулот етиштиришдан уни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган яхлит қиймат занжирини шакллантиришда ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Электротехника саноати мамлакатимизда энг жадал ривожланаётган тармоқлардан бири экани таъкидланди. Туркия компаниялари мисни чуқур қайта ишлаш, электроника маҳсулотлари, трансформаторлар, маиший техника ва электр ускуналари ишлаб чиқаришда маҳаллий корхоналар билан кооперацияни кенгайтиришга таклиф этилди.

“Янги Тошкент” мегалойиҳаси доирасида замонавий тижорат ва тураржой мажмуалари, меҳмонхоналар барпо этиш, шунингдек, пуллик автомобиль йўллари ва логистика марказларини ривожлантиришда турк сармоядорларининг иштироки олқишланди.

Мамлакатимизда тиббий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, фармацевтика соҳасида кенг имтиёзлар тақдим этилаётгани билдирилди. Туркиялик инвесторлар мазкур йўналишда ҳам яқин ҳамкорликка таклиф қилинди.

Туркия компаниялари билан давлат-хусусий шериклик асосида қатор лойиҳалар амалга оширилаётгани таъкидланди. Ушбу мамлакат банклари, инвестиция фондлари ва йирик саноат корхоналари хусусийлаштириш жараёнлари ҳамда давлат-хусусий шериклик дастурларида фаол иштирок этишга чақирилди.

Шунингдек, автомобилсозлик, энергетика, сунъий интеллект ва дастурий таъминот соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш, банк секторидаги ислоҳотларда иштирок этиш таклиф қилинди.

Ўзбекистонда сармоядорлар учун қулай шароитлар яратиш, жумладан, махсус иқтисодий зоналарда кенг имтиёзлар бериш сиёсати изчил давом эттирилиши билдирилди.

— Биз бундан буён ҳам мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш, тадбиркорлар учун ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ислоҳотларни изчил давом эттирамиз, — деди давлатимиз раҳбари сўзининг якунида.

Йиғилишда кенгаш ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Раҳбари Саида Мирзиёева ва Туркия Республикаси Вице-президенти Жавдат Йилмаз ҳам сўзга чиқдилар.

Туркия компаниялари раҳбарлари Президентимиз билан мулоқот чоғида уларнинг фаолиятига яратилаётган кенг имкониятлар учун миннатдорлик билдириб, мамлакатимизда амалга ошираётган лойиҳалари ва келгусидаги режалари ҳақида сўзлаб бердилар, ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини баён қилдилар.

Очиқ, амалий ва ўзаро ишонч руҳида ўтган ушбу мулоқот икки қардош давлат ишбилармон доираларини ягона мақсад йўлида янада жипслаштирди. Тадбирда илгари сурилган ташаббуслар ва белгилаб олинган устувор йўналишлар шунчаки режа эмас, балки аниқ натижаларга қаратилган амалий ҳаракатлар дастури сифатида аҳамиятлидир. Бир сўз билан айтганда, Тошкентдаги мазкур йиғилиш Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, ўзаро савдо айланмасини ошириш ва икки халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида мустаҳкам замин яратади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХАЛҚАРО ДЗЮДО ФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўсмирлар ўртасида дзюдо бўйича жаҳон чемпионати муносабати билан мамлакатимизда бўлиб турган Халқаро дзюдо федерацияси президенти Мариус Визерни қабул қилди.

Учрашувда ушбу нуфузли федерация билан миллий дзюдо мактабини ривожлантириш ва ёш спортчиларни тайёрлаш борасида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Тошкент жаҳоннинг нуфузли дзюдо марказларидан бирига айланиб бораётгани таъкидланди. Сўнгги уч йилда мамлакатимизда 4 минг нафардан зиёд спортчилар иштирокида 10 та халқаро мусобақа ўтказилди. Жорий йилги ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати эса илк бор Ўзбекистонда ташкил этилмоқда.

Мариус Визер юртимизда спортни ривожлантириш ва ёшларни спортга кенг жалб этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади.

Ўзбекистонда йирик халқаро мусобақаларни ўтказиш, миллий терма жамоани Лос-Анжелесда бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларига тайёрлаш, мамлакатимизда яратилган замонавий спорт инфратузилмаси негизида спортчилар, мураббийлар ва ҳакамларни ўқитиш ҳамда спорт тиббиёти соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Дзюдо бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати 19 — 22 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги Олимпия шаҳарчасида бўлиб ўтади. Унда 78 мамлакатдан 600 нафарга яқин ёш спортчилар беллашмоқда. Мусобақаларга хорижий мамлакатларнинг юқори даражадаги делегациялари ҳам келган.

ЎзА.

Учрашув

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

19-20 ноябрь кунлари Туркманистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида ўтаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеяси (МДҲ ПА) тадбирларида иштирок этиш учун Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Аваза шаҳрида бўлиб турибди.

Делегациянинг МДҲ ПА Кенгашининг мажлиси ҳамда Ассамблеянинг 61-ялпи мажлисида иштирок этиши режалаштирилган.

Кеча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро Ассамблеясига аъзо давлатлар парламентлари раҳбарлари ҳамда туркман халқининг миллий етакчиси, Туркманистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимуҳамедов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш ва кўп томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. МДҲ ПАнинг давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, парламентлараро мулоқотни ривожлантириш ҳамда миллий қонунчиликни такомиллаштиришдаги аҳамияти ортиб бораётгани таъкидланди.

Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон билан дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини юксак баҳолаб, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги етакчи ролини алоҳида эътироф этди.

Учрашувда МДҲ мамлакатлари ўртасида дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, парламентлараро мулоқотни фаоллаштириш, ўзаро савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлиги ҳам айтилди.

Бундан ташқари, мазкур тадбирларда Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасида парламентлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва қонун ижодкорлиги йўналишида тажриба алмашишга доир масалаларни муҳокама қилиш ҳам назарда тутилган.

«Халқ сўзи».

Мулоқот

Ўзбекистон — Жазоир:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Спикер Нуриддин Исмоиловнинг Жазоир Халқ Демократик Республикасининг Ўзбекистондаги янги тайинланган Фавқулодда ва мухтор элчиси Жамила Ашур билан учрашуви бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳамда Жазоирни тарихий ришталар, муштарак қадриятлар, яқин маданият ва урф-одатлар боғлаб туради. Сўнгги йилларда олий даражадаги мулоқотларнинг фаоллашуви, икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди.

2

ШОДУ ХУРРАМ ЯШАСА ГАР ЭЛ ВАТАНДА

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар одамлар ҳаётида қандай акс этмоқда?

Хоразм вилоятининг Хонқа туманида яшовчи Улуғбек Иброҳимов аҳоли хонадонларига етказиб берилаётган ичимлик сувининг юқори даражада минераллашгани билан боғлиқ муаммони ечишда ҳамқишлоқларига ёрдам беришга аҳд қилди. У банк кредити ҳисобига фильтрлаш жиҳозлари сотиб олиб, қадоқланган сув ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Энди аҳоли ортиқча минераллардан холи сув истеъмол қилмоқда. Бунинг устига, Улуғбек ўз корхонасида ўн нафар ҳамқишлоғини иш билан ҳам таъминлади.

Нигоҳ

Қорақалпоғистонда эса Шаҳзода Фозилбекова тадбиркорликни уйда турли пиширириқлар тайёрлашдан бошлади. Кейинчалик оилавий бизнесини кенгайтириш учун кредит олиб, Беруний шаҳрида таомаддихона очди. Эндиликда бу ерда савдо ҳажми кенгайтирилиб, тайёр маҳсулотлар етказиб бериш хизмати ҳам йўлга қўйилган. Корхонада уч киши иш билан таъминланган.

Булар Жаҳон банкининг Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳақидаги материалларида келтирилган. Умуман олганда эса юқоридаги каби мисоллар жуда кўп. Уларнинг географияси, шарт-шароитлари ва тақдирлари турлича, бироқ бирлаштириб турган жиҳат битта — ҳар қайсисининг ортида ўз ҳаётини ўзи мустақил ўзгартиришга қодир бўлган, қобилиятини юзага чиқара олган, оила аъзоларини таъминлаш билан бирга бошқалар учун ҳам иш ўринлари яратган инсонлар турибди.

Хайрли ташаббуслар, ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилган бундай бизнес-режалар тадбиркорлик соҳасида юз бераётган кенг миқёсли трансформацияни кўрсатади. Бу эса ҳам мамлакатда, ҳам фуқаролар тафаккурида кечаётган ўзгаришларнинг ёрқин ифодасидир. Илгари одамлар атрофдаги муҳитга қарам бўлиб қолган бўлса, энди ўзлари янги имкониятлар қидиришмоқда. Давлат томонидан яратилган шароитлар — молиялаштириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, жойларда аҳоли муаммоларини ҳал қилувчи тузилмаларни ташкил этиш сингари тадбирлар кишиларга ўз фаровонлигини ўзи таъминлаш имконини берди.

Янги Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришларнинг асосий мазмуни ҳам шунда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари билан изчил амалга оширилаётган ислоҳотларда инсон манфаатлари, унинг фаровонлиги ва эртанги кунга ишончи бош мақсад сифатида белгиланган.

3

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 20 ноябрь

Сенат қўмитасида

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА



Радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишлар бўйича муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, уларни йиғиш, ташиш, қайта ишлаш, сақлаш ва кўмиш жараёнларида хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғини, шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси мажлисида “Радиоактив чиқиндилар тўғрисида”ги қонун дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун билан радиоактив чиқиндиларни таснифлаш, бу бўйича давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, инсон саломатлиги ва атроф-муҳит муҳофазасининг устуворлиги ҳамда чиқинди ҳосил қилувчиларнинг жавобгарлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ фаолият давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши, ушбу соҳада лицензиялаш тартиби жорий этилиши назарда тутиляпти. Фаолият иштирокчиларининг ваколат ва мажбуриятлари ҳам аниқлаштирилиб, қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Сенаторлар айтганидек, мазкур қонун радиоактив чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасидаги муносабатларни тартибга солиш, радиациявий хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитни радиоактив чиқиндиларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза этишга хизмат қилади.

Ўзбекистон — Жазоир:

ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТОНА МУНОСАБАТЛАР

1

Ж. Ашур самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатда барча соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотларни юқори баҳолаб, бу Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини эътироф этди.

Элчи Жазоир билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва ўзаро ҳамкорликни аниқ амалий натижалар билан бойитишдан манфаатдор эканини билдирди. Шунингдек, мамлакатнинг парламентлараро мулоқотни ривожлантириш ва манфаатли алоқаларни кенгайтириш борасидаги фаоллигини алоҳида қайд этди.

Мулоқот чоғида икки давлат парламентлари ўртасидаги шерикликнинг бугунги ҳолати ва уни янада кенгайтириш истиқболлари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Жазоир парламенти — Миллий халқ ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳ фаолият юритаётгани ўзаро алоқаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Томонлар олий даражада эришилган келишувларнинг самарали ижросини таъминлаш, парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш, қонун ижодкорлиги йўналишида тажриба алмашиш ҳамда парламент қўмиталари ва дўстлик гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини қайд этди.

Учрашув очиқ, самимий ва дўстона руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси томонидан маданият муассасалари фаолиятидаги муаммолар, мавжуд имкониятлар ва амалий ечимлар, шунингдек, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун ижросини самарали таъминлашнинг устувор вазифаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Депутатлар, Маданият вазирлиги ходимлари, маданият муассасалари раҳбарлари, Парламент тадқиқотлари институти, жамоатчилик кенгаши вакиллари, олимлар, мутахассислар, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда журналистлар иштирок этган мазкур тадбирда маданият ва санъат йўналишида амалга оширилаётган ишлар, тармоқдаги мавжуд муаммолар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда маданият соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сезиларли даражада кучайди. Шунингдек, миллий маданий меросни халқаро миқёсда тарғиб қилиш борасида ҳам яхши натижаларга эришилди. ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйхатига 2016 йилгача 4 та миллий қадриятимиз киритилган бўлса, кейинги йилларда яна 14 та элемент ушбу рўйхатдан жой олди.

Бундан ташқари, театр санъатини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда театрларда йилига 10 мингдан ортиқ спектаклларнамойиш этилмоқда, томошабинлар сони 3 миллион нафардан ошди. “Инсон қадри учун” тамойили асосида 178 та янги спектакль саҳналаштирилди. Нодавлат театр ва театр-студияларининг улуши 17 фоизга етказилиб, уларга ҳам давлат буюртмаларини бериш йўлга қўйилди.

Чекка ҳудудларда маданий тадбирларни ташкил этиш мақсадида “Маданият карвони” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унинг доирасида 101 та тадбир ўтказилди. Ҳудудлардаги 100 га яқин маданият марказлари таъмирланди, таълим ва маданият муассасаларига 11 мингдан зиёд миллий мусиқа чолғулари етказиб берилди.

Давра суҳбатида Президентимизнинг “Маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида 2027 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, ҳудудларда 150 дан ортиқ гастроль-концерт дастурлари ва 26 та “Маданият карвони” тадбири ўтказилади. Шунингдек, 500 минг нафар ўқитувчи, шифокор, давлат хизматчиси ва фаол ёшларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларига ҳамда ногиронлиги бўлган болаларга театр, кино ва концертларга бепул бориш имконини берувчи ваучерлар тақдим этилади.

Ижодкорларни қўллаб-қувватлаш учун ҳар йили камида 200 млрд. сўм маблағ ажратилади. Уй-жойга муҳтож 1 000 нафар ижодкорга ипотека тўловлари бўйича давлат ёрдами кўрсатилади. Халқаро танловлар ғолиблари 300 млн. сўмгача мукофотланади, 100 нафар ёш ижодкор эса хорижда таълим олиш ва стажировка ўташ имкониятига эга бўлади.

Шу билан бирга, нодавлат театрларни ривожлантириш мақсадида уларнинг спектакль яратиш харажатлари ва бинолар ижарасининг бир қисми давлат томонидан қоплаб берилади. Давлат ва хусусий театрларда сотилган чипталар учун ҳам субсидиялар ажратиш белгиланган.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
қўмита раиси ўринбосари:



— Муҳокама давомида эришилган ютуқлар билан бирга, маданият муассасаларининг моддий-техник ҳолати, малакали кадрлар етишмаслиги, молиялаштириш, ижодий эркинлик ва нодавлат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар ҳам кўтарилди. Биз, депутатлар ушбу масалаларни ҳал этиш, театр ва кино санъатининг сифатини яхшилаш, маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, маданий хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, айниқса, чекка ҳудудларда маданий тадбирлар сонини ошириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини кучайтириш бўйича ўз таклифларимизни билдирдик.

Тадбир якунида илгари сурилган таклифлар асосида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун ижросини янада самарали таъминлаш лозимлиги таъкидланиб, масъул вазирлик ва идоралар, соҳа ташкилотлари ҳамда парламент ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

Биз ва жаҳон

КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзамхўжаев “Иордания — Ўзбекистон” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Ҳайел Убайдат бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Мулоқот аввалида икки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган ўзаро ишонч, мунтазам мулоқот ва дўстона муносабатлар кўп қиррали ҳамкорликни изчил ривожлантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон ва Иордания парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамда ҳудудлараро муносабатларни янги босқичга кўтариш масалалари муҳокамага тортилди. Олий ва юқори даражада эришилган келишувларнинг амалий ижросини таъминлашда парламентлар ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутиши қайд этилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестиция, саноат, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлар ҳамда ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга алоҳида урғу берилди.

Учрашувда, шунингдек, маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, олий таълим муассасалари ва илмий марказлар ўртасида академик алмашинувларни йўлга қўйиш, икки мамлакат халқларининг бой тарихий ва маданий меросидан келиб чиқиб, туризм соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан таклифлар билдирилди.

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИДА САМАРАЛИ ВОСИТА

Глобал иқтисодиётдаги ҳозирги ноаниқликлар даврида ҳар бир давлатнинг тараққиёти, аввало, унинг халқаро ҳамкорликни қай даражада самарали йўлга қўйгани, хорижий инвестициялар ва илғор тажрибаларни миллий иқтисодиётга йўналтира олиши билан белгиланади.

Фикр

Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида ўтказилган Ўзбекистон — Туркия бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашнинг биринчи йиғилиши ҳам ана шу мақсадларга хизмат қиладиган муҳим халқаро мулоқот майдони бўлди.

Икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, янги инвестицияларни жалб этиш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, саноат кооперациясини кучайтириш, пировардида иш ўринларини яратишда ушбу тадбирнинг аҳамияти ғоятда катта.

Айниқса, тоғ-кон саноати, энергетика, электротехника, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, транспорт, қурилиш ва рақамли технологиялар каби устувор йўналишларда турк компаниялари билан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболли. Бу иқтисодиётимиз тармоқларини диверсификациялаш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимиз томонидан 2030 йилга қадар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 300 миллиард долларга етказиш, саноат ишлаб чиқаришини икки баробар ошириш каби улкан мақсадларнинг белгилаб берилиши Ўзбекистоннинг узоқ муддатли тараққиёт стратегияси изчил амалга оширилаётганидан далолатдир. Бундай марраларга эришилишида Туркия каби ишончли стратегик ҳамкорлар билан амалий алоқаларни мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Бундай халқаро тадбирларнинг энг муҳим натижаси, аввало, одамлар ҳаётидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлади. Чунки жалб этилган инвестиция — янги корхона, янги иш ўрни, замонавий касб ва муносиб даромад манбаи, демакдир. Ишлаб чиқаришнинг кенгайиши эса маҳаллий тадбиркорлар имкониятларини оширади, ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиради, бюджет даромадларини кўпайтиради. Бунинг натижасида аҳолига таълим, тиббиёт, инфратузилма ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифати ҳам яхшиланади.

Шу билан бирга, халқаро



ҳамкорликда фақат инвестиция ҳажми эмас, балки унинг самарадорлиги, маҳаллий кадрлар салоҳиятини ошириш, миллий корхоналар билан кооперацияни йўлга қўйиш ва ҳудудлар манфаатларини таъминлаш ҳам муҳимдир. Чунки иқтисодий ўсишнинг ҳақиқий қиймати унинг ҳар бир оила фаровонлигида, аҳоли бандлиги ва турмуш сифатида акс этиши билан ўлчанади.

Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги тарихий дўстлик, ўзаро ишонч ва яқин иқтисодий муносабатлар бу борада мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Ишончимиз комилки, ушбу кенгашнинг илк йиғилиши ва бизнес-форумда илгари сурилган ташаббуслар аниқ лойиҳаларга, янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда муносиб иш ўринларига айланади. Зеро, фаровон ҳаёт, барқарор тараққиёт ва халқ розилиги кучли иқтисодиётнинг муҳим асосидир. Халқаро ҳамкорлик эса ана шу эзгу мақсадларга элтувчи самарали восита ҳисобланади.

Эркин ГАДОЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси.

Сенатор ва ёшлар

НАВҚИРОН АВЛОД ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳар ҳафтанинг пайшанбаси, яъни Ёшлар кунида навқирон авлод вакиллари билан мунтазам учрашувлар ўтказиб келмоқда. Бу каби мулоқотлар уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун ижодкорлиги жараёнларига қизиқишини ошириш ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Анвар Тўйчиев Рақамли иқтисодиёт ва агротехнологиялар университети талабалари билан учрашди.

Очиқ мулоқотда Сенатнинг қонун ижодкорлигидаги ўрни, қонунларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёни, парламент назоратини амалга ошириш механизмлари ҳақида сўз борди. Сенатор қўмиталарнинг ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал қилиш бўйича давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борадиган ишларига ҳам тўхталди.

Суҳбат чоғида талабаларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти лойиҳаларида иштирок этиш ҳамда ўз ғоя ва ташаббусларини илгари суриш имкониятлари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Учрашувда талабалар парламент фаолиятида ёшлар иштирокини кенгайтириш юзасидан қатор таклифларини билдирди.

«Халқ сўзи».

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Конституция — ҳар қандай мустақил давлатнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тараққиётини белгилаб берувчи олий ҳужжат. Унда давлат ва жамият ҳаётининг асосий тамойиллари, инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, фуқароларнинг бурчлари, ҳокимият органларининг ваколатлари, мамлакатнинг стратегик йўналишлари ўз ифодасини топади.



Фахр билан таъкидлаш жоизки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз мамлакатимизнинг мустақил давлат сифатида ҳуқуқий пойдеворини яратди, миллий давлатчилигимиз ривожининг муҳим босқичини бошлаб берди. Бугун Конституциямизга нафақат давлатнинг асосий қонуни, балки инсон қадри, халқ манфаатлари, ижтимоий адолат ва демократик тараққиётнинг мустаҳкам кафолати сифатида қараймиз.



Бундан уч йил аввал умумхалқ референдуми асосида Конституциямизнинг янги таҳрири қабул қилиниши эса мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Бу жараён шунчаки конституциявий нормаларни янгилаш эмас, балки давлат ҳамда жамият ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқиш, инсон манфаатларини давлат сиёсатининг энг устувор мезонига айлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимоя, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, давлат бошқаруви ва парламент назоратига оид конституциявий кафолатлар сезиларли даражада кенгайтирилди. Энг муҳими, Бош қомусимизнинг биринчи моддасида Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу нормалар мамлакатимизнинг келгуси тараққиёт йўлини, давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини ва жамият олдидаги устувор вазифаларни белгилаб берувчи муҳим сиёсий-ҳуқуқий мезондир.

Конституциямизда Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатида белгиланиши алоҳида тарихий аҳамиятга эга. Бу давлат зиммасига фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ижтимоий ҳимояни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини ошириш, таълим ва тиббиёт сифатини яхшилаш каби муҳим вазифаларни юклайди.

Айниқса, янги таҳрирдаги Конституцияда экологик ҳуқуқлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида ўрин берилгани барчамиз учун муҳим сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Чунки бугун экологик хавфсизлик нафақат бир давлат ёки минтақанинг, балки бутун инсониятнинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланди. Иқлим ўзгариши, сув ресурсларининг камайиши, ҳаво ифлосланиши, биологик хилмахилликнинг қисқариши каби муаммолар ҳар бир мамлакатдан қатъий ва тизимли чоралар кўришни талаб этмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Конституциянинг 49-моддасида ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамлангани ниҳоятда муҳим. Мазкур модда давлат зиммасига фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишининг олдини олиш, шаҳарсозлик йўналишида жамоатчилик назорати учун шароит яратиш каби вазифаларни юклайди. Шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатлари лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши, экологик мувозанатни сақлаш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва тиклаш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланган.

Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини ҳимоялаш ва тиклаш масаласининг Конституция даражасида мустаҳкамланиши ҳам эътиборга молик. Зеро, бу нормалар экологик сиёсатда янги ёндашувни шакллантиради. Яъни табиатни муҳофаза қилиш фақат тегишли давлат идоралари ёки экологик ташкилотларнинг вазифаси эмас, балки бутун жамиятнинг умумий масъулиятидир. Шу боис Конституцияда белгиланган экологик ҳуқуқларни ҳаётга татбиқ этишда парламент ва жамоатчилик назоратини, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўрнини янада кучайтиришимиз зарур.

Табиатни асраш — бугунги авлоднинг келажак ворислари олдидаги виждоний ва конституциявий масъулияти. Конституциянинг устуворлиги фақат унинг моддаларини билиш билан чекланмайди. Унда белгиланган нормаларга амал қилиш, қонунга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаш ҳар бир фуқаронинг кундалик ҳаёт тарзига айланиши зарур. Шу маънода, унинг тегишли моддаларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, жамият ҳамда оила олдидаги масъулияти билан боғлиқ муҳим қоидалар белгиланган. Хусусан, ҳар бир шахс Конституция ва қонунларга риоя этиши, бошқа инсонларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Демак, ҳуқуқий давлат қуриш фақат давлат органларининг саъй-ҳаракатлари билан амалга ошмайди. Бу жараёнда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онги, сиёсий маданияти ва фуқаролик позицияси муҳим ўрин тутади. Айниқса, ёш авлод қалбида Конституцияга ҳурмат, қонунга итоат, Ватанга садоқат ва жамият олдидаги масъулият туйғуларини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Наврўзбек ЮСУПОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси депутати.

Ўзбекистон ва Туркия ўртасида чиқиндиларни бошқариш ҳамда қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги баёнот имзоланди.

ШОДУ ХУРРАМ ЯШАСА ГАР ЭЛ ВАТАНДА

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар одамлар ҳаётида қандай акс этмоқда?







1

Ўзгаришларнинг бош мезони

Кўп йиллар давомида Ўзбекистоннинг ютуқлари, буюк мақсад йўлидаги интилишлари ҳақида гапиришга ўрганиб қолгандик. Саноат ва қишлоқ хўжалигидаги муваффақиятлар ҳақида ҳисоботлар берардик, янги қурилган иншоотларни бирма-бир санар ва иқтисодий ўсиш бўйича рақамларни келтирар эдик. Давлат дастурлари энг жарангдор сифатлашлар билан “безатилган” бўларди.

Албатта, иқтисодий ўсиш йиллари ҳам, яратувчанлик ишлари ҳам бўлмаган, дея олмаймиз. Аммо бундай ғолибона, тантанавор ҳисоботлар ортида энг асосий нарса — инсон тақдири эътибордан четда қолди. Юртдошларимизнинг кундалик ташвишлари, оила фаровонлиги, муносиб иш ўрнини топиши, фарзандларига яхши таълим бериши, сифатли тиббий ёрдам олиши, қулай турмуш шароитларига эга бўлиши — умуман, инсон қадри тушунчасига кирувчи барча жиҳатлар уларда ўз аксини топмади. Мамлакат гуллаб-яшнаши ҳақида соатлаб гапириш мумкин эди-ю, аммо ютуқлар одамларнинг кундалик турмушида қандай намоён бўлаётгани ҳақида ўша ҳисоботларда ёзилмас эди.

Журналистика амалиётида бундан ўн беш йиллар аввал юз берган бир воқеа эсга тушади. Тошкентда бўлиб ўтган халқаро анжуманга турли мамлакатлардан ҳамкасбларимиз, экспертлар ва турли соҳа мутасаддилари келишди. Дастур фақат расмий учрашувлар ва тадбирлардан иборат эмасди. Меҳмонлар қишлоқларга ҳам олиб борилди, уларга вилоятлардаги иншоотлар кўрсатилиб, мамлакат ҳаёти билан таништирилди. Саёҳатдан кейин хорижий журналистлардан бири ўзаро норасмий суҳбатда таассуротларини сўзлаб берди. Унинг бир гапи ҳалигача ёдимда: “Мамлакатингиз етарлича бой экан-у, бироқ одамлар жуда камбағал яшашаркан”, деганди ўшанда у.

Бу гап билан меҳмоннинг бизни хафа қилиш нияти йўқ эди. Шунчаки, у четдан кузатганда кўзга ташланган муайян бир парадоксни айтди. Ҳа, давлат салмоқли иқтисодий кўрсаткичларни намойиш этиши, кейинги ўнйилликлар учун режалар тузиши, белгиланган вазифаларни бажариши мумкин. Аммо ана шундай ютуқларни ҳар бир фуқаро ўз турмушида, оилавий шароитида, фарзандларининг келажагида ҳис эта оладими? Афсуски, бу саволларга ўшанда жавоб йўқ эди.

Лекин энди, мамлакатимизда рўй бераётган ўзгаришларни ҳис қилган ҳолда, бундай саволларга дадил жавоб бера оламиз. Масалан, ўтган давр мобайнида айнан нималар ўзгарди? Давлатнинг иқтисодий салоҳияти фуқароларнинг келажаги ва фаровонлигига таъсир этиши учун қандай тадбирлар кўрилди?

Рўёбга чиқарилган ўзгаришлар кўламини бир неча кўрсаткич ёрдамида баҳолаш мумкин. 2026 йил кузида Жаҳон банки Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга бағишланган йирик тадқиқот натижаларини эълон қилди. Унда кўрсатилишича, 2021 — 2025 йиллар давомида қарийб 3,7 миллион нафар фуқаро камбағалликдан чиқарилди. Шу қисқа даврда аҳолининг даромадлари таркиби ҳам сезиларли даражада ўзгарди. Аҳоли таркибида ўрта синф улуши 2 баравар ўсиб, 72 фоиздан ошди. Ҳатто кам таъминланган ишчиларнинг реал иш ҳақи ҳам йилига камида 11-12 фоиз ўсди.

Яна бир диққатга сазовор баҳо мавжуд: Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, бу Европа ва Марказий Осиё минтақасидаги умумий камбағаллик қисқаришининг қарийб 40 фоизини ташкил этди.

Келтирилган маълумотлар уларнинг ортида нималар тургани билан ҳам эътиборга молик. Жаҳон банки камбағалликни қисқартиришни, аввало, бандликни таъминлаш ва иш ҳақини кўтариш, иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини ривожлантириш билан чамбарчас ҳолда кўради. Оилалар аҳволи, уларнинг пул топиш қобилияти, ўз эҳтиёжларини қондириши ва моддий ёрдамга муҳтожликдан секин-аста чиқиши билан боғлайди.

Эслатиш жоизки, биз айни пайтда ўзининг баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиятларига эга бўлган халқаро молиявий ташкилотнинг тадқиқотлари натижаси ҳақида сўз юритмоқдамиз. Жаҳон банки расмий кўрсаткичларни оддий баён этиш билан чекланмайди. Унинг тадқиқотлари статистик маълумотларга, солиштиришга ва узоқ муддатли тенденцияларни таҳлил қилишга таянади. Шу боис бундай нуфузли ташкилотнинг эътирофига сазовор бўлиш алоҳида аҳамиятга эга.

Янги рақамлар бошланган ишнинг давом этаётганини кўрсатмоқда. 2026 йилнинг тўққиз ойида камбағаллик даражаси 5,8 фоиздан 3,6 фоизгача пасайди. 824 минг нафар аҳоли вакиллари доимий иш билан таъминланди, 4 млн. нафарининг даромадлари ошди.

Кўриб турганимиздек, сўз миллионлаб инсонлар тақдири ҳақида бормоқда. Камбағалликни енгиш бир оила учун энг зарурий харидлардан ортиб, фарзандининг ўқишига тўлов қилишга йўл очади. Иккинчи оила учун жиҳозлар сотиб олиб, ўз тадбиркорлигини бошлаш имкониятидир. Учинчи оилада эса бу истиқбол учун режа тузишга имкон берувчи барқарор иш ҳамда оиланинг келажагидан хавотирланмасликни англатади.

“Камбағалликка қарши кураш” деган тушунчанинг ўзи ҳам ўзгарди. Энди у, илгари бўлганидек, қийналган оилага бир марталик моддий ёрдам ажратиш эмас. Эндиликда оила нима учун қийин аҳволга тушиб қолгани, мустақил сармоя топишга қайси омиллар халал бераётгани, нафақага қарам бўлиб қолмаслик учун қандай шароитлар яратиш кераклиги ҳақида бош қотирилмоқда. Бу ишларнинг натижалари эса ҳам миқдорда, ҳам сифатда акс этяпти.

Принципиал тафовут

Мамлакатимизда янгиланишлар жараёни шу қадар шиддат билан кечмоқдаки, баъзан журналистлар ҳам ўзгаришларнинг аҳамиятини тўлиқ англаб етишга, уларнинг миқёсини тасаввур этишга улгурмай қоляпти. Бугун воқеалар кетма-кет рўй бермоқда: қарорлар қабул қилинмоқда, корхоналар очилмоқда, тадбиркорлар учун янги имкониятлар яратилмоқда, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим ва тиббиётга ёндашувлар ўзгармоқда. Ахборот оқими жуда тез. Аммо бу шиддат ортидан баъзан энг муҳим нарсани — ислоҳотларнинг инсон ҳаётидаги инъикосини кўролмай қоляпмиз.

Янгиликлар тасмаси ҳар куни бир ҳудудда кўп йиллардан бери ҳал бўлмай келган сув таъминоти муаммоси ечилаётгани, бошқа жойда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратилаётгани, яна бир ҳудудда янги таълим муассасаси очилгани ёки бирор корхона ишга туширилгани ҳақида ўнлаб хабарлар беради. Ҳар бир воқеа эътиборга лойиқ, уларнинг барчаси эса биргаликда кенг кўламли ислоҳотлар манзарасини ҳосил қилади.

Аммо оддий инсон тақдири ҳақидаги ҳикоялар ҳар доим ҳам камера объективларига муҳрланмайди, қаламга олинмайди ёки диктофонга ёзилмайди. Статистиканинг қуруқ рақамлари ортида кўпинча инсонларнинг юзи, характери, кечинмалари ва умидлари кўринмай қолади. Ваҳоланки, мамлакатдаги ислоҳотларнинг ҳақиқий манзараси айнан шу инсонлар ҳаётида акс этади.

Баъзан вақт етишмайди, бир кеча-кундузда 24 эмас, 30 соат бўлса эди, деб ўйлайсан. Оддий иш куни давомида юз бераётган барча воқеаларни қамраб олиш, тафсилотларни ўрганиш, одамларни тинглаш, уларнинг ҳаёти қандай ўзгараётганини ўз кўзинг билан кўришга улгуриш қийин. Журналистнинг вазифаларидан бири ҳам давлатнинг муайян инсонлар тақдирини ҳал этадиган кенг қамровли қарорлари ортидаги мақсадларни илғаш, уларни бошқаларга ҳам кўрсата билиш ва ҳикоя қилиб бериш бўлса керак.

Бутун мамлакат бўйлаб миллионлаб одамлар давлат кўмагида турмуш фаровонлигини ошира олди. Уларнинг ҳар бири алоҳида мақола, очерк ёки лавҳага муносиб. Бири ўз кучига ишониб, зарур кўмакни олгач, кичик ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бошқаси аввал фойдаланилмай турган томорқасини ишга солди. Яна бири оилавий корхона ташкил қилди, тўртинчиси хусусий боғча ёки мактаб очди. Уларнинг ҳар бири учун бу эҳтимол сўнгги йиллардаги энг муҳим воқеликдир. Мамлакат учун эса бундай воқеалар иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар инсон тақдирида акс этаётганининг яна бир далили.

Бугун очилаётган имкониятлардан йигит-қизларимиз фаолроқ фойдаланмоқда. Олий ўқув юртларига кирмоқда, талабгир касбларни эгалламоқда, қўшимча билим ва малака олишга интиляпти. Уларнинг ҳаётий режалари кенгайиб, келажакка ишончи ортаётир. Бу мактаб битирувчиларининг кўпчилиги учун олий таълимга киришнинг ўзи деярли етиб бўлмас орзудек кўринган даврдан тубдан фарқ қилади.

Илгари мактаб битирувчиларининг нари борса етти фоизи олий ўқув юртига кирарди. Олий маълумот олиш имконияти чекланган, кўп ёшларнинг ўқишни давом эттириш орзуси ўзлари ўзгартира олмайдиган омилларга боғлиқ эди.

Бугунги вазият аввалгидан анча фарқ қилади. Давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари, маҳаллий олийгоҳлар ва хорижий университетлар филиаллари кўпайди. Янги таълим йўналишлари очилди. Натижада ёшлар учун танлов доираси анча кенгайди. Улар таълимни касбий ва шахсий камолотга олиб борувчи йўлнинг муҳим босқичи деб кўра бошлади.

Ислоҳотлар нафақат таълим жараёнини, балки кундалик ҳаётимизни ҳам қамраб олди. Ўзбекистонликларнинг бир неча авлоди куз ойларида мактаб ўқувчилари, талабалар ва ўқитувчилар дала юмушларига жалб этилганига гувоҳ бўлган. Ўқув машғулотлари тўхтатилар, мактаблар ва бошқа муассасаларнинг одатий фаолияти узоқ вақтга издан чиқарди. Пахта теримида оммавий иштирок ҳамма учун мажбуриятдек қабул қилинарди. Бундай амалиёт ўтмишда қолди. Бу ҳолатга қишлоқ хўжалигидаги бугунги натижалар нуқтаи назаридан қаралса, унинг аҳамияти янада яққол намоён бўлади.

2026 йилда Ўзбекистон илк бор 5 миллион тоннадан ортиқ пахта ҳосилини йиғиб олди. Бу ўтган йилдаги қарийб 4 миллион тонна ҳосилга нисбатан сезиларли ўсишдир. Қолаверса, натижа ҳукумат белгилаган 4,5 миллион тоннали дастлабки кўрсаткичдан ҳам ошди.

Бир қарашда бу ерда ғайриоддий нарсанинг ўзи йўқдек. Ахир пахта аввал ҳам етиштирилган, “оқ олтин” майдонлари улкан ҳудудларни эгаллаган, қишлоқ хўжалиги эса ўн йиллар давомида, асосан, шу экинига ихтисослаштирилган. Аммо бугунги натижанинг ортида соҳани ташкил этишнинг мутлақо бошқача усули, ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, ер, сув, техника ва инсон меҳнатидан фойдаланишдаги янгича ёндашувлар турибди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев деҳқонлар, фермерлар ва қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига йўллаган табригида эришилган натижа пахтачиликни изчил янгилаш, замонавий агротехнологияларни жорий этиш, механизация ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш тизимини ўзгартириш ҳисобига таъминланганини алоҳида таъкидлади.

Ўзгаришлар кўламини тушуниш учун аввалги кўрсаткичларни эслаш кифоя. Ўтган асрнинг 80-йилларида пахта экиладиган майдон қарийб 2 миллион гектар бўлиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 30 центнердан ошмаган. 2000 йилда пахта майдони 1,4 млн. гектарни, мамлакат бўйича ялпи ҳосил эса 3 млн. тоннани ташкил этган.

Сўнгги йилларда пахта майдони 38 фоизга қисқарди, пахта монополиясига барҳам берилди. Шу билан бирга, ўртача ҳосилдорлик гектарига 21 центнердан 56 центнерга кўтарилиб, 2,7 баробар ошди. Эътиборли жиҳати — ходимларга тушадиган юк анча камайтирилган бўлишига қарамасдан, ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли даражада ошди. Жорий йилда ҳосилнинг қарийб 85 фоизи механизациялашган усулда терилди. Уч мингдан ортиқ пахта териш машиналари бу ишни бир ойдан сал кўпроқ вақтда бажарди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида терим тўлиқ механизациялаштирилди.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг мутлақо бошқача манзараси шаклланмоқда. Илгари теримнинг асосий оғирлиги одамлар зиммасига тушган бўлса, эндиликда техника тобора муҳим ўрин тутмоқда. Натижада ўқитувчилар, талабалар, мактаб ўқувчилари ва бюджет ташкилотлари ходимлари вақтларини пахта теришга эмас, таълим олишга, касбий фаолиятга, оила ва шахсий ривожланишга сарфлаши мумкин.

Пахта ҳам ўша-ўша, қишлоқ хўжалиги мавсуми ҳам, табиий шароит ҳам аввалгидек. Фақат ўзгаргани — меҳнатни ташкил қилиш тартиби ва инсонга муносабатдир. Бу эса яқин-яқингача эришиш қийин деб ҳисобланган натижаларга йўл очди. Кўп йиллар давомида пахтачилик қишлоқ аҳолисининг оғир меҳнати ва жиддий ижтимоий харажатлари билан бирга кечди. Бу амалиётнинг салбий оқибатлари Ўзбекистоннинг халқаро обрўсига ҳам узоқ вақт таъсир кўрсатди.

2017 йилдан тизимли ўзгаришлар бошланди. Мажбурий меҳнатга барҳам бериш, пахтачилик тизимини ўзгартириш ва ишлаб чиқарувчиларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлигини ошириш бўйича чоралар кўрилди. Беш йилдан сўнг Халқаро меҳнат ташкилоти пахта теримида тизимли мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам берилганини эътироф этди. Кейинчалик “Cotton Campaign” халқаро ташаббуси ҳам ўзбек пахтасига қўйилган глобал бойкотни бекор қилди. Илгари мазкур чақириққа 330 дан ортиқ халқаро брендлар қўшилган эди.

Бу эътироф мамлакат учун қишлоқ хўжалиги доирасидан анча кенгроқ аҳамиятга эга бўлди. Мажбурий меҳнатга барҳам берилиши халқаро ҳамкорлар ишончини тиклаш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ва инвестиция жалб қилиш учун муҳим шарт-шароит яратди.





> *Янги рақамлар бошланган ишнинг давом этаётганини кўрсатмоқда. 2026 йилнинг тўққиз ойида камбағаллик даражаси 5,8 фоиздан 3,6 фоизгача пасайди. 824 минг нафар аҳоли вакиллари доимий иш билан таъминланди, 4 млн. нафарининг даромадлари ошди.*

Хомашёни қайта ишлаш борасида ҳам ўзгаришлар юз бермоқда. Ўзбекистон маҳсулотни, асосан, тола шаклида сотишга таянган эски моделдан тўлиқ воз кечди. Мамлакат ичида калава ип, мато ва тайёр кийим ишлаб чиқаришга тобора кўпроқ урғу берилмоқда. Мавжуд қувватлар ялпи пахта ҳосилини қайта ишлаб калава ипга айлантириш имконини беради. Бу эса бутун тармоқда иқтисодий ёндашув ўзгараётганини кўрсатади.

“Euronews”да ҳам бу ҳақда мақола тайёрланиб, унда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Нашрда экин майдонлари қисқаргани, ҳосилдорлик ошгани, терим механизациялашгани ва мамлакат ичида қайта ишлаш ривожланаётгани таъкидланди. Меҳнат соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатга пахта теримида одамларни тизимли равишда мажбуран ишлатиш муаммосини бартараф қилиш имконини бергани ҳам алоҳида қайд этилди.

Шу ўринда аввалги ва бугунги ислоҳотларнинг принципиал фарқи намоён бўлади. Инсонга муносабат ўзгарса — унинг меҳнатига, ерга, табиий ресурслар ва мамлакат имкониятларига муносабат ҳам ўзгаради. Шунда иқтисодий натижа мутлақо бошқача маъно касб этади. У муносиб ва фаровон ҳаёт сари умуммиллий ҳаракатнинг бир қисмига айланади.

Қадр-қиммат — олий қадрият

Ўзбекистонда инсон қадр-қиммати энг олий қадрият сифатида эълон қилинган. Сўнгги йилларда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, пировард натижада уларнинг инсон ҳаётини қай даражада ўзгартираётгани, ҳуқуқ ва имкониятларини қанчалик таъминлаётгани билан баҳоланади.

“Печать — бу ҳужжат”, деган киноя ли иборани эслайсизми? Бу сўзлар аллақачон бюрократиянинг чексиз ҳукмронлигини ифодаловчи қанотли иборага айланган. Бундай ҳолатларда инсон баъзан маълумотнома, муҳр ёки расмий ҳужжатга қарам бўлиб қолади. Шундай вазиятлар ҳам борки, оғриқ кутилган “печать”нинг урилмаслиги давлат идораларидаги қўшимча оворагарчиликлардан кўра анча жиддийроқ оқибатларга олиб келади. Инсон бир ҳудудда йиллар давомида яшаши, меҳнат қилиши, фарзандларини вояга етказиши мумкин, аммо шунга қарамай, у муайян давлатга мансублигини тасдиқловчи тўлақонли ҳужжатга — фуқароликка эга бўлмаслиги мумкин. Натижада у ишга жойлашиш, таълим олиш, тиббий ёрдамдан фойдаланиш, турли муносабатларни расмийлаштиришда қийинчиликларга дуч келади. Амалда эса атрофидаги аксарият инсонлар фойдаланаётган одатий ҳуқуқ ва имкониятлар тизимидан ташқарида қолади.

Фуқароликка эга бўлмаслик — замонавий дунёнинг энг мураккаб гуманитар муаммоларидан бири. Бу муаммо Ўзбекистонга ҳам ўтмишдаги тарихий шароитлар оқибатида мерос бўлиб қолган эди.

Яқин-яқинларгача мазкур масаланинг кўлами анчайин кенг бўлган. Оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотларга кўра, 1992 йилдан 2016 йилгача мамлакатимиз фуқаролигини жами 482 киши олган. 2016 йилдан буён эса ушбу кўрсаткич 91 минг нафардан ошди. Қарийб икки юз баробарлик тафовут йиллар давомида фуқаролиги бўлмаган ҳолда яшаб келган инсонларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш борасида амалга оширилган ишлар кўламини яққол кўрсатади.

Буни халқаро ташкилотлар ҳам эътироф этмоқда. БМТ Қочқинлар ишлари бўйича Олий комиссари бошқармаси қабул қилинган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон фуқаролиги бўлмаган аҳолини камайтириш борасида сезиларли ўсишга эришганини таъкидлайди. Зеро, ҳар бир шахсни тасдиқловчи ҳужжат ортида бир инсон тақдири мужассам. Мураккаб муаммо ечимида давлат ғамхўрлигининг асл мазмуни намоён бўлади.

Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар кўлами мамлакатимиз ташқарисида ҳам кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Буни, айниқса, илгари юртимизда бўлган ва бир неча йил ўтиб яна қайтиб келаётган инсонлар яхши ҳис этмоқда. Уларнинг таъкидлашича, шаҳарлар қиёфаси ўзгармоқда, инфратузилма янгиланмоқда, янги корхоналар, меҳмонхоналар, таълим ва маданият муассасалари барпо қилинмоқда. Шунингдек, ишбилармонлик ҳамкорлиги, туризм ва халқаро алоқалар учун имкониятлар кенгайиб бораётгани алоҳида қайд этилмоқда. Мамлакат дунё учун, дунё эса Ўзбекистон учун тобора очилмоқда.

Эътиборга молик яна бир жиҳат бор. Кўплаб хорижий меҳмонлар, журналистлар, экспертлар ва халқаро тадбирлар иштирокчилари жамият ҳаётидаги муҳит аввалгидан кўра эркинлашгани, кенг доирадаги ижтимоий масалаларни очиқ муҳокама қилиш имконияти пайдо бўлгани, маданий ва диний мулоқот учун шароитлар яратилганини таъкидламоқда.

Виждон ва эътиқод эркинлигига муносабат алоҳида аҳамиятга эга. Кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистон учун бу ниҳоятда муҳим ижтимоий масаладир. Ушбу заминда асрлар давомида турли халқлар, маданиятлар ва диний анъаналар вакиллари истиқомат қилиб келган. Тинч-тотув яшаш, ўзаро ҳурмат, яхши кўшничилик, миллатлараро ва конфессияларо тотувлик халқимизнинг тарихий тажрибасига, энг муҳим ижтимоий бойлигига айланган. Бу бойлик эса доимий эътибор ва ғамхўрликни талаб этади.

Ушбу мавзуга, Ўзбекистоннинг тарихий ва маънавий меросига, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга эътибор халқаро миқёсдаги “The Muslim 500: The World’s 500 Most Influential Muslims 2027” нашрида ҳам ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев дунёнинг энг нуфузли эллик нафар мусулмони сафига киритилди. Давлатимиз раҳбари рейтинг етакчилари орасида Марказий Осиё ва МДҲ ҳудудидан ягона вакил бўлди.

Нашрни тайёрловчи ташкилот — Иорданиядаги Қироллик Ислом стратегик тадқиқотлар маркази Ўзбекистон раҳбарининг фаолиятидаги муҳим йўналишларни алоҳида эътироф этган. Улар қаторига 2016 йилдан буён амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатнинг халқаро инвестициялар учун очилиши, савдо-сотиқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат хизматлари тизимини такомиллаштириш каби йўналишлар киради.

Баҳолашда тарихий меросни асраб-авайлаш, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш, Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий номлари билан боғлиқ илмий-тадқиқот муассасаларини ривожлантириш, тарихий қадамжоларни тиклаш ҳамда анъанавий ислом таълимини қўллаб-қувватлаш масалаларига ҳам салмоқли ўрин берилган.

Бу дунё аҳлининг юртимизда кечаётган ҳаётбахш ислоҳотларга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради. Бу табиий, албатта. Бой тарихий ва маънавий меросга эга Ўзбекистон ўз анъаналарига ҳурматни иқтисодиёт, таълим, илм-фан ва давлат бошқарувини ривожлантиришдаги замонавий ёндашувлар билан уйғунлаштиришга интилмоқда. Тарихий ёдгорликларни тиклаш, илмий марказларни қўллаб-қувватлаш, буюк мутафаккирлар меросини кенг тарғиб этиш — буларнинг барчаси мамлакатимизнинг жаҳон маданий харитасидаги муносиб ўрнини қайта тиклашга хизмат қилаётир.

Янги Ўзбекистон ўзининг асл моҳиятини инсонлар ҳаётини ўзгартираётган аниқ ва амалий ишлар орқали намоён этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан амалга оширилаётган ислоҳотлар инсон қадр-қимматининг давлат ва жамият ҳаёти мазмунига айланишига хизмат қилмоқда. Ушбу тамойил изчил равишда амалиётга татбиқ этилмоқда ва юртдошларимиз қалбида бугунги ўзгаришларга, шунингдек, уларнинг тарихий аҳамиятига ишончни мустаҳкамламоқда.

Ҳар юракда эзгулигу нурафшон ўй,
Аср ошгай Истиқлоли — шарафли тўй,
Мақсадлари чўзиб турса кўк қадар бўй,
Унаверса умид отлиғ гул Ватанда!

Йўли етгай баҳорлардан баҳорларга,
Чап берадир ташвишу ғам, озорларга,
Қувончлари айланади алёрларга,
Бахтни ёниб куйлай олар дил Ватанда!

Юртим номи юртлар оша сочди жаранг,
Ҳайрат ичра боқмоқдадир руму фаранг,
Нималарга эришгаймиз ахир қаранг,
Шоду хуррам яшаса гар эл Ватанда!

Эрта сари бормоқдадир ёниб, илдам,
Аждодлари бошлаб берган улуғ йўлдан,
Саодатга йўлдош бўлдинг, дўстим, сен ҳам,
Мен ҳам толе топдим ахир шул Ватанда!

Ўткир РАҲМАТ.

24 — 26 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Humo Arena» майдонида стартаплар, инвесторлар ва технология соҳаси вакилларини бирлаштирадиган «Techstars Startup Week» тадбири бўлиб ўтади.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 20 ноябрь

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РАҚАМЛИ КЕЛАЖАГИ

Бир неча йил аввал шифокор қабулига келган бемор қўлида қоғоз — амбулатор картасини кўтариб юрарди. Таҳлил натижаларини бир бинодан иккинчисига ўзи ташир, бирор варақ йўқолса, текширувни бошидан топширишга мажбур бўларди. Талаба эса китобдаги расмга қараб операция босқичларини ёд оларди, амалиётга биринчи марта ҳақиқий бемор ёнида дуч келарди. Бугун эса бемор маълумотлари ягона электрон базада сақланади, талаба эса мураккаб муолажани аввал симуляторда бир неча бор такрорлайди. Ана шу икки манзара ўртасидаги масофа рақамли трансформациянинг ҳақиқий мазмунидир. Зеро, рақамли университет — бу таълим, илм-фан, бошқарув ва клиник амалиётни ягона тизимда бирлаштириб, тиббий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқадиган яхлит экотизимдир.

Нуқтаи назар

Мамлакатимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, рақамли университетга айланиб бораётган олийгоҳимиз халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. “Times Higher Education” агентлигининг “Sustainability Impact Ratings — 2026” натижаларига кўра, илк бор дунёнинг 601 — 800-ўринлари гуруҳидан жой олдик, “Соғлиқ ва фаровонлик” йўналишида эса 81-ўринни эгалладик. Шунингдек, олийгоҳимиз “THE World University Rankings — 2027” рейтингига биринчи марта киритилди. Бу натижалар таълим ва илмий фаолиятимизни халқаро мезонлар асосида ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг муҳим эътирофидир.

Президентимизнинг 2025 йил 22 апрелдаги “Тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори тиббий таълимда янги босқични бошлаб берди. Унга мувофиқ, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти ва Тошкент давлат стоматология институти негизида Тошкент давлат тиббиёт университети ташкил этилди. Шунингдек, Тиббиёт илмий-инновацион тадқиқот институти фаолияти йўлга қўйилди, Термиз ва Чирчиқ филиаллари университет таркибига ўтказилди. Уч олийгоҳнинг клиникалари университет клиникалари сифатида қайта иш бошлади.

Натижада тиббий таълим, илмий тадқиқот ва клиник амалиётни ўзаро интеграция қилиш учун ягона ташкилий замин яратилди. Айни пайтда университет таркибида учта кампус, иккита филиал ва учта академик лицей фаолият юритмоқда. Пойтахтдаги 369 та ўқув-клиник база эса талабаларнинг амалий тайёргарлигига хизмат қиляпти.

Бундай кенг тармоқни ягона стандартлар асосида бошқариш, таълим жараёни, давомат ва баҳолаш тизимини мувофиқлаштириш рақамли бошқарувни тақозо этади. Шу боис рақамлаштириш университетимиз учун таълим сифатини оширишнинг муҳим шартидир.



Янги таълим ёндашувида компетенцияларга асосланган ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда битирувчининг фақат назарий билими эмас, балки бемор билан ишлаш, ташхис қўйиш ва муолажа ўтказиш бўйича амалий кўникмалари ҳам асосий мезон ҳисобланади.

Сунъий интеллект — яқин кўмакчи

Сунъий интеллектнинг тиббиётдаги аҳамияти, авало, касалликларни эрта аниқлаш, тиббий тасвирларни таҳлил қилиш ва даволаш жараёни самарадорлигини оширишда намоён бўлмоқда. Масалан, рентген ёки МРТ тасвирларидаги шубҳали ўзгаришларни дастурий воситалар ёрдамида аниқлаш шифокорга қўшимча таҳлилий имконият яратади.

Мамлакатимизда ҳам бу йўналишда ишлар изчил олиб бориляпти. Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясида соғлиқни сақлаш соҳаси устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Касалликларни ташхислаш, даволаш усулларини белгилаш, тиббий тасвирларни таҳлил қилиш ва бемор маълумотларини бошқариш борасида янги ечимларни жорий этиш кўзда тутилган.

2025 йил октябрида қабул қилинган сунъий интеллект технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар ҳам ушбу жараён учун муҳим инфратузилмавий ва ташкилий асос яратди.

Тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар доирасида инсульт ва кўкрак бези саратонини сунъий интеллект ёрдамида аниқлаш имкониятлари кенгаймоқда. Маълумотларга кўра, бундай технологиялар диагностика вақтини 80 фоизгача қисқартиришга хизмат қилаётир, рақамли диагностика тизимлари орқали эса 50 мингдан ортиқ беморларга аниқ ташхис қўйилган. Келгусида жигар, ўпка ва простата бези саратони, инфаркт ҳамда мураккаб суяк синишларини тиббий тасвирлар асосида аниқлаш тизимларини ҳам жорий этиш режалаштирилган.

Бу жараён тиббиёт таълими олдига янги талабларни қўймоқда. Бўлажак шифокорлар нафақат замонавий технологиялардан фойдаланишни, балки уларнинг натижаларини тўғри талқин қилиш, алгоритм тавсияларига танқидий ёндашишни ҳам билиши керак.

> **Мамлакатимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, рақамли университетга айланиб бораётган олийгоҳимиз халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда. “Times Higher Education” агентлигининг “Sustainability Impact Ratings — 2026” натижаларига кўра, илк бор дунёнинг 601 — 800-ўринлари гуруҳидан жой олдик, “Соғлиқ ва фаровонлик” йўналишида эса 81-ўринни эгалладик. Шунингдек, олийгоҳимиз “THE World University Rankings — 2027” рейтингига биринчи марта киритилди.**

Соҳадаги муҳим янгиликлардан бири — “DMED” ягона электрон ахборот тизими. Унда 36 миллиондан зиёд фуқароларнинг тиббий маълумотлари жамланган. Рақамли бошқарув натижасида тез тиббий ёрдам чақириқларига етиб бориш вақти 25 — 30 дақиқадан 10 — 15 дақиқагача қисқарган. “Электрон рецепт” тизими эса ортиқча дори ёзиш ҳолатларини 40 фоизга камайтиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, Рақамли соғлиқни сақлаш маркази орқали тиббиёт муассасалари фаолиятини реал вақт режимида кузатиш, сурункали касалликлар ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини таҳлил қилиш имконияти яратилган. Келгусида “Online-шифокор” хизматини йўлга қўйиш орқали аҳолига масофадан тиббий маслаҳат бериш кўзда тутилган.

Олийгоҳимизда Симуляцион ўқув маркази, Биотиббиёт технологиялари маркази, Рақамли тиббиёт маркази, замонавий ахборот-ресурс маркази ва технопарк фаолияти йўлга қўйилган. Талабалар реанимация, шошилинч ёрдам, жарроҳлик, педиатрия, акушерлик ва терапия йўналишларида махсус симуляцион хоналарда машғулотлар ўтказмоқда. Бундай таълим усули талабага бемор ҳаётига хавф туғдирмасдан, мураккаб муолажаларни қайта-қайта бажариш, хатоларини таҳлил қилиш ва маҳоратини ошириш имконини беради.

Ягона экотизим ва ўқув сифати

Рақамли университетнинг асосий вазифаси — таълим, бошқарув, илм-фан ва клиник амалиётни ягона маълумотлар муҳитида бирлаштириш. Бу орқали талабанинг ўзлаштириши, амалий кўникмалари ва илмий фаолиятини тизимли кузатиш, бошқарув қарорларини эса аниқ маълумотларга таянган ҳолда қабул қилиш мумкин. Ҳозирги кунда талабалар ва ходимлар фаолияти “HEMIS” ахборот тизими ҳамда электрон журнал орқали юритилмоқда. Машғулотларда рақамли технологиялар, телемедицина ва сунъий интеллектга асосланган ўқув воситаларидан фойдаланиляпти.

Айни жараёнда рақамлаштириш, сунъий интеллект ва инновацион технологияларга таянган ҳолда Марказий Осиёда етакчи, халқаро миқёсда эътироф этилган тиббиёт университетига айланишга интиляпмиз. Бунинг учун замонавий билим ва илғор технологиялар асосида халқаро талабларга жавоб берадиган тиббиёт кадрларини тайёрлаш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга жорий этиш ва жамият саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган таълим муҳитини шакллантиришга урғу қаратилмоқда.

Шу ўринда бир муҳим тамойилни таъкидлаш лозим: сунъий интеллект шифокорнинг ўрнини эгалламайди. У ташхис қўйиш ва даволашда ёрдамчи восита бўлиши мумкин, аммо якуний қарор, унинг масъулияти ва бемор олдидаги инсоний бурч ҳамиша шифокор зиммасида қолади. Бундан ташқари, бемор маълумотларининг махфийлигини таъминлаш, тиббий этика ва рақамли хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Чунки рақамли тизимга киритилган ҳар бир маълумот ортида инсон саломатлиги ва тақдири туради.

Халқаро ҳамкорлик — тараққиёт омили

Замонавий тиббий таълимни халқаро тажрибадан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Хорижий университетлар ва тиббиёт марказлари билан ҳамкорлик янги билимлар, илғор клиник ёндашувлар ва инновацион технологияларни ўзлаштиришга хизмат қилади. Айни пайтда университетимиз Жанубий Корея, Туркия, Германия, Италия, Литва, Беларусь, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқа давлатлардаги 167 та хорижий университет ҳамда тиббиёт маркази билан ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу алоқалар доирасида қўшма таълим дастурлари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, илмий лойиҳалар, халқаро конференциялар ва маҳорат дарслари ташкил этилмоқда. Хорижий мутахассислар иштирокидаги амалий семинарлар эса ўқитувчи ва талабаларнинг касбий салоҳиятини оширишга хизмат қиляпти.

Халқаро ҳамкорликни рақамли тиббиёт ва сунъий интеллект йўналишларида янада чуқурлаштириш, илмий натижаларни нуфузли халқаро журналларда эълон қилиш, ёш олимларнинг хорижий лабораторияларда тажриба орттириш имкониятларини кенгайтиришни муҳим вазифаларимиздан деб биламиз.

Ҳар йили университетимиз битирувчилари Гиппократ қасамёдини қабул қилади. Унинг асрлар давомида ўзгармай келаётган асосий мазмуни — беморга зарар етказмаслик, унинг сирини сақлаш ва ўз билимини инсон саломатлиги йўлига бағишлашдан иборат.

Технологиялар қанчалик тез ривожланмасин, тиббиётнинг инсонпарварлик моҳияти ўзгармайди. Энг замонавий аппарат ташхис қўйишга ёрдам бериши мумкин, аммо беморга тасалли бўлиш, унинг дардини тушуниш ва масъулиятли қарор қабул қилиш шифокорнинг инсоний фазилатларига боғлиқ. Шу маънода, рақамли университетга айланиш таълим мазмуни, бошқарув маданияти, илмий салоҳият ва клиник амалиётни изчил такомиллаштириш жараёнидир. Сунъий интеллект, рақамли платформалар ва халқаро ҳамкорликнинг барчаси ягона мақсадга — замонавий билим ва юксак инсоний фазилатларга эга, малакали шифокорни тайёрлашга хизмат қилиши керак. Университет жамоаси бу йўлдаги саъй-ҳаракатларини изчил давом эттиради. Зеро, бугун тайёрланаётган ҳар бир малакали шифокор эртанги соғлом жамиятнинг муҳим таянчидир.

Шуҳрат БОЙМУРОДОВ,
Тошкент давлат тиббиёт университети ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

РЕКЛАМА

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI QUYIDAGI LAVOZIMLARGA TANLOV E’LON QILADI:

Amaliy matematika va intellektual texnologiyalar fakulteti:

Amaliy matematika va kompyuter tahlili kafedrasi:
professor – 2,25 ta;
dotsent – 3,25 ta;
katta o‘qituvchi – 4,75 ta;
o‘qituvchi – 0,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2 ta.

Axborot xavfsizligi kafedrasi:
professor – 1 ta;
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 0,25 ta.

Hisoblash matematikasi va axborot tizimlari kafedrasi:
o‘qituvchi – 1 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Dasturiy injiniring va sun’iy intellekt kafedrasi:
professor – 1 ta;
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 1,25 ta.

Biologiya fakulteti

Biofizika kafedrasi:
dotsent – 2,75 ta;
katta o‘qituvchi – 0,25 ta;
o‘qituvchi – 0,5 ta.

Biokimyo kafedrasi:
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 1 ta.

Biotexnologiya va mikrobiologiya kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,5 ta;
o‘qituvchi – 2,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,5 ta.

Tuproqshunoslik kafedrasi:
katta o‘qituvchi – 0,25 ta.

Zoologiya kafedrasi:
dotsent – 1 ta.

Botanika va genetika kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 1,25 ta;
dotsent – 2,5 ta;
katta o‘qituvchi – 0,5 ta;
o‘qituvchi – 0,5 ta.

Ekologiya va yashil transformatsiya kafedrasi:
professor – 2 ta;
dotsent – 2,75 ta;
katta o‘qituvchi – 0,5 ta;
o‘qituvchi – 1,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Fudomika va nutritsion metabolomika kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 0,25 ta;
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 0,25 ta;
o‘qituvchi – 0,25 ta.

Geografiya va geoaxborot tizimlari fakulteti

Iqtisodiy va ijtimoiy geografiya kafedrasi:
katta o‘qituvchi – 3,25 ta;
o‘qituvchi – 5,75 ta.
stajyor-o‘qituvchi – 3,25 ta.

Tabiiy geografiya kafedrasi:
o‘qituvchi – 0,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2,25 ta.

Geodeziya, kartografiya va kadastr kafedrasi:
dotsent – 1,75 ta;
katta o‘qituvchi – 2,75 ta;
o‘qituvchi – 1,75 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 4,25 ta.

Geologiya va muhandislik geologiyasi fakulteti

Geokimyo va mineralogiya kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1 ta;
katta o‘qituvchi – 0,25 ta;
o‘qituvchi – 0,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,25 ta.

Geologiya kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 1 ta.

Gidrogeologiya va geodinamika kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 1 ta;
dotsent – 1 ta;
katta o‘qituvchi – 0,5 ta;
o‘qituvchi – 0,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,25 ta.

Geofizika kafedrasi:
dotsent – 0,75 ta;
katta o‘qituvchi – 1,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,25 ta.

Jurnalistika va o‘zbek filologiyasi fakulteti

Kompyuter lingvistikasi va amaliy tilshunoslik kafedrasi:
katta o‘qituvchi – 1 ta.

O‘zbek adabiyotshunosligi kafedrasi:
professor – 1,5 ta;
dotsent – 1,5 ta;
katta o‘qituvchi – 3,25 ta;
o‘qituvchi – 2,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2 ta.

O‘zbek tilshunosligi kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 2,75 ta;
katta o‘qituvchi – 2 ta;
o‘qituvchi – 1 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1 ta.

Rus adabiyotshunosligi kafedrasi:
professor – 0,5 ta;
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,75 ta;
o‘qituvchi – 0,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,75 ta.

Rus tilshunosligi kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1,5 ta;
katta o‘qituvchi – 0,5 ta;
o‘qituvchi – 2,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 4,75 ta.

Jurnalistika kafedrasi:
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 0,75 ta;
o‘qituvchi – 0,75 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2,75 ta.

Fakultetlararo tillar kafedrasi:
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,75 ta;
o‘qituvchi – 1,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1 ta.

Ijtimoiy fanlar fakulteti

Ijtimoiy ish kafedrasi:
dotsent – 0,75 ta;
katta o‘qituvchi – 2,5 ta;
o‘qituvchi – 2,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 6,5 ta.

Sotsiologiya kafedrasi:
katta o‘qituvchi – 0,25 ta;
o‘qituvchi – 0,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,75 ta.

Huquqiy fanlar kafedrasi:
professor – 2,5 ta;
dotsent – 2,75 ta;
katta o‘qituvchi – 7 ta;
o‘qituvchi – 8,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 18,5 ta.

Siyosatshunoslik kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 2 ta;
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 1 ta;
o‘qituvchi – 0,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,5 ta.

Falsafa kafedrasi:
professor – 5,75 ta;
dotsent – 7,75 ta;
katta o‘qituvchi – 5,5 ta;
o‘qituvchi – 5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 3 ta.

Psixologiya kafedrasi:
professor – 2 ta;
dotsent – 1 ta;
katta o‘qituvchi – 2 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1 ta.

Pedagogik ta’lim kafedrasi:
professor – 1,75 ta;
dotsent – 4,5 ta;
katta o‘qituvchi – 6,25 ta;
o‘qituvchi – 4,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 5,5 ta.

Iqtisodiyot fakulteti

Ekonometrika va iqtisodiy modellashtirish kafedrasi:
dotsent – 3,25 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 2,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2,25 ta.

Iqtisodiyot nazariyasi kafedrasi:
professor – 3,25 ta;
dotsent – 3,75 ta;
katta o‘qituvchi – 2 ta;
o‘qituvchi – 4,75 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Makroiqtisodiyot kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 2 ta;
dotsent – 6,25 ta;
katta o‘qituvchi – 4,5 ta;
o‘qituvchi – 5,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 4,5 ta.

Mintaqaviy iqtisodiyot va menejment kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 1,25 ta;
dotsent – 2,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 1,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Moliya va kredit kafedrasi:
professor – 1,25 ta;
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 2,75 ta;
o‘qituvchi – 5,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2,25 ta.

Davlat va korporativ strategiyalar kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1,75 ta;
katta o‘qituvchi – 1,75 ta.

Kimyo fakulteti

Analitik kimyo kafedrasi:
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1 ta.

Fizikaviy kimyo kafedrasi:
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 2,5 ta;
o‘qituvchi – 0,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,75 ta.

Polimerlar kimyosi kafedrasi:
stajyor-o‘qituvchi – 0,5 ta.

Organik va neft-gaz kimyo kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1 ta.

Umumiy va noorganik kimyo kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 3,5 ta;
katta o‘qituvchi – 2 ta;
o‘qituvchi – 0,75 ta.

Tabiiy birikmalar va amaliy kimyo kafedrasi:
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 0,25 ta.

Matematika fakulteti

Algebra va funksional analiz kafedrasi:
professor – 1,5 ta;
dotsent – 2 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 1,75 ta.
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Differensial tenglamalar va matematik fizika kafedrasi:
professor – 1,25 ta;
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,75 ta;
o‘qituvchi – 1,75 ta.

Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika kafedrasi:
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 0,25 ta;
o‘qituvchi – 1,25 ta.

Geometriya va topologiya kafedrasi:
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 2,75 ta;
o‘qituvchi – 0,5 ta.

Matematik analiz kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1 ta;
katta o‘qituvchi – 2 ta;
o‘qituvchi – 1 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Mexanika va matematik modellashtirish kafedrasi:
dotsent – 1 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,5 ta.

Tarix fakulteti

Jahon tarixi kafedrasi:
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 2,75 ta.

Arxivshunoslik va manbashunoslik kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
o‘qituvchi – 1 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,25 ta.

O‘zbekiston tarixi kafedrasi:
professor – 0,75 ta;
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 1 ta;
o‘qituvchi – 0,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1 ta.

O‘zbekistonning eng yangi tarixi kafedrasi:
kafedra mudiri;
professor – 0,5 ta;
dotsent – 1,5 ta;
katta o‘qituvchi – 1,75 ta;
o‘qituvchi – 1,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,5 ta.

Arxeologiya va etnologiya kafedrasi:
professor – 0,5 ta;
dotsent – 1 ta;
katta o‘qituvchi – 0,5 ta;
o‘qituvchi – 1,5 ta.

Taekvondo va sport faoliyati fakulteti

Taekvondo va sport faoliyati kafedrasi:
professor – 5,5 ta;
dotsent – 0,75 ta;
katta o‘qituvchi – 4 ta;
o‘qituvchi – 8,75 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 7,25 ta.

Jismoniy madaniyat va sport kafedrasi:
professor – 1 ta;
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 1,75 ta;
o‘qituvchi – 2 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 3,75 ta.

Fizika fakulteti

Fotonika kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 4,75 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 1,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 0,5 ta.

Nazariy fizika kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1,5 ta;
katta o‘qituvchi – 0,5 ta;
o‘qituvchi – 0,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,5 ta.

Umumiy fizika kafedrasi:
professor – 1,75 ta;
dotsent – 4 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 3,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Yarimo‘tkazgichlar va polimerlar fizikasi kafedrasi:
professor – 0,75 ta;
dotsent – 1 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 0,25 ta.

Yadro fizikasi va astronomiya kafedrasi:
professor – 1 ta;
dotsent – 3 ta;
o‘qituvchi – 3,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 1 ta.

Gidrologiya va iqlimshunoslik kafedrasi:
professor – 1,75 ta;
dotsent – 1,75 ta;
o‘qituvchi – 3,75 ta.

Xorijiy filologiya fakulteti

Amaliy ingliz tili va adabiyotshunoslik kafedrasi:
kafedra mudiri;
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 3,25 ta;
o‘qituvchi – 7,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2,25 ta.

Fakultetlararo ingliz tili kafedrasi:
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 1,75 ta;
o‘qituvchi – 3,75 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 6,75 ta.

Fransuz filologiyasi kafedrasi:
professor – 0,5 ta;
dotsent – 1,5 ta;
katta o‘qituvchi – 2,5 ta;
o‘qituvchi – 1 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 2,5 ta.

Ingliz tilshunosligi kafedrasi:
dotsent – 0,5 ta;
katta o‘qituvchi – 3 ta;
o‘qituvchi – 6,5 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 5,25 ta.

Nemis filologiyasi kafedrasi:
professor – 0,5 ta;
dotsent – 0,25 ta;
katta o‘qituvchi – 2,5 ta;
o‘qituvchi – 2,25 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 3 ta.

Tarjima nazariyasi va qiyosiy tilshunoslik kafedrasi:
professor – 0,25 ta;
dotsent – 1,25 ta;
katta o‘qituvchi – 1,25 ta;
o‘qituvchi – 4,75 ta;
stajyor-o‘qituvchi – 4,25 ta.

Xorijiy til va adabiyot kafedrasi:
kafedra mudiri;
stajyor-o‘qituvchi – 1,25 ta.

Tanlovda qatnashadigan nomzodlar quyidagi hujjatlarni taqdim etishi lozim:
1. Universitet rektori nomiga ariza;
2. Xodimlarni hisobga olish bo‘yicha shaxsiy varaqa (ma’lumotnoma);
3. Oliy ma’lumoti to‘g‘risidagi diplomlar nusxalari;
4. Ilmiy unvoni, ilmiy darajasi to‘g‘risidagi diplomlar nusxalari;
5. Ilmiy ishlari ro‘yxati (so‘nggi 3 yil);
6. Malaka oshirganligi to‘g‘risidagi guvohnoma nusxasi;
7. Xorijiy til bilish darajasini tasdiqlovchi sertifikat nusxasi (xorijiy filologiya fakulteti o‘qituvchilari uchun).

Hujjatlar e’lon chop etilgan sanadan boshlab 1 oy muddatda qabul qilinadi.

Manzil: 100174, Toshkent shahri, Universitet ko‘chasi, 4-uy, O‘zMUning xodimlar bo‘limi. Telefon: 71-246-03-92.

Божхона қўмитасининг тегишли қарори билан декларациясиз товар олиб чиқиш лимити 5 000 АҚШ доллари этиб белгиланди. Бунда тайёр заргарлик буюмлари учун меъёр — 65 грамм олтин ва 200 грамм кумушдан иборат.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — Н. Остонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.50 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6